



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ БОШ КОТИБИННИНГ ЎРИНБОСАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 ноябрь куни мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг ўринбосари, БМТ Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси ижрочи директори Гада Валини қабул қилди.

Учрашувда глобал ва минтақавий хавфсизликка таҳдид солаётган замонавий хавф ва хатарларга қарши курашиш соҳасидаги ҳамкорликнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ва БМТнинг ушбу

ихтисослашган бўлини маси ўртасидаги амалий ҳамкорлик юксак даражага кўтарилгани ва самарали тус олгани мамнуният билан қайд этилди.

Мамлакатимизда 1995 йилдан буйи бошқарманинг Марказий Осиёдаги

ваколатхонаси фаолият юритмоқда. Унинг фаол иштирокида кейинги бир неча йилда амалдаги минтақавий дастур доирасида умумий қиймати 24 миллион долларлик молиявий-техник кўмак лойиҳалари бажарилди ва амалга оширилмоқда.



Гада Валининг ташрифи доирасида Марказий Осиё мамлакатлари учун 2022-2025 йилларга мўлжалланган янги минтақавий ҳамкорлик дастури қабул қилинди, ушбу дастурда бешта устувор йўналишда 90 миллион долларлик тадбир ва лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, шу кунларда Самарқанд шаҳрида Ёшларнинг гиёҳванд моддаларга қарши минтақавий тармоғи ишга туширилади ҳамда Бухоро шаҳри-

да Одам савдосига қарши кураш бўйича халқаро конференция ўтказилади.

Учрашувда наркотикларнинг ноқонуний айланмаси, уюшган жиноятчилик ва халқаро терроризмга қарши курашиш соҳасида коррупцияга қарши курашиш мақсадида электрон платформа жорий қилиш ва бошқа йўналишларда шериклик ва ўзаро мувофиқлашувни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Минтақадаги вазиятга алоҳида эътибор қаратилиб, Афғонистонда гумани-

тар инқирознинг олдини олиш ва ушбу мамлакатга амалий ёрдам кўрсатиш учун халқаро ҳамжамиятнинг мувофиқлашган саяё-ҳаракатлари муҳим экани таъкидланди.

Мамлакатимизнинг БМТ бошқармаси билан тизимли ва кўп қиррали ҳамкорлигини мустақамлашга доир қўшма "йўл харитаси"ни тайёрлаш юзасидан келишувга эришилди.

ЎЗА

МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ЯНГИ ТИЗИМ БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 24 ноябрь куни мева-сабзавотчилик ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги кластер тизими асосида ривожлантирилмоқда. Пахта-тўқимачилик, ғаллачилик, мева-сабзавотчилик, узумчилик кластерлари сифат ва даромад жиҳатидан изчил ўсмоқда.

Мева-сабзавотчиликда ҳам кўллаб кластерлар ташкил этилган. Лекин натижалар мавжуд салоҳият даражасида эмас. Масалан, бу тармоқда экспорт миқдорини ҳозирги 1 миллиард 200 минг доллардан 5 миллиард долларга кўпайтириш мумкинлиги ҳисоб-китоб қилинган. Жумладан, бугунги кунда Асака, Ангор, Денов, Жомбой, Самарқанд, Олтиариқ, Қува, Юқори Чирчиқ, Янгиқўрғон туманларидаги мева-сабзавотчилик кластерлари

20-25 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилмоқда. Йиғилишда шу борадаги имконият ва муаммолар, ҳосилдорлик ва бандликни ошириш чоралари муҳокама қилинди.

— Илгари пахтачиликда фақат хомашё сотардик. Котировка энг яхши бўлган йилда даромад 1 миллиард доллар атрофида бўларди. Мана, ҳозир пахтаи ўзимизда қайта ишлаб, 3 миллиард долларга чиқдик. Бу фақатгина экспорт кўрсаткичи. Бу соҳада ҳали қанча иш ўрни, ойлик, солиқ бор. Ишни тўғри ташкил этиб, мева-сабзавотчиликда ҳам шундай натижа қилиш мумкин. "Оёғимизнинг тағида" имконият турибди, — деди давлатимиз раҳбари.

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК ВА УЗУМЧИЛИКДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИДА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ УЛУШINI ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва соҳага бозор механизмларини жорий этиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда республикаимизда етиштирилаётган 80 турдан ортиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари дунёнинг 66 та мамлакатига экспорт қилинмоқда. Бунда, мева-сабзавотлар ва дуккакли маҳсулотларнинг экспорт ҳажми 2016 йилдан 2021 йилга қадар қарийб 2 баробарга ошган.

Шу билан бирга, пахта ва ғалладан қишқартирилаётган ер майдонларида боғдорчилик, узумчилик, полиз ва сабзавотчилик, дуккакли ва мойли экинларни етиштириш соҳасида экспорт-

боп қишлоқ хўжалиги экинлари экишни кўпайтириш, шунингдек, аҳолининг кенг қатламларини жалб қилиш орқали ушбу ерлардан самарали фойдаланиш тизимини яратиш эвазига тармоқда қўшимча ўсишга эришишда илмий асосланган ёндашув ва ўрганишларни инобатга олиш тақозо этилмоқда.

Жумладан, ҳисоб-китобларга кўра 1 гектар майдонда етиштирилган пахта хомашёсига нисбатан **узумдан 7 баравар, гилосдан 6 баравар, ёнғокдан 5 баравар** кўп даромад олиш ҳамда ушбу ерларда оилавий тадбиркорлик доирасида кичик интенсив боғдорчилик, узумчилик, полиз, дуккакли, мойли экинлар, картошка етиштириш ва сабзавотчилик лойи-

ҳаларини кўллаб-қувватлаш орқали **“Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”**да рўйхатда турган эҳтиёжманд оилаларнинг даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлаш бўйича катта имконият мавжуд.

Аҳолининг даромад топишга қаратилган тадбиркорлик ташаббусларини молиявий кўллаб-қувватлаш, аҳолига аграр тармоқда ўз бизнесини ташкил этишга кўмаклашиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда деҳқон хўжаликларининг улушини ошириш ва қишлоқ хўжалигини диверсификациялаш орқали озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида:

Давоми 2-бетда



ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ

ВАТАН, ҲАР ҚАРИЧ ГЎШАНГ ОБОДЛИККА ЮЗ ТУТГАЙ

Бугун пойтахтимизнинг Сархумдон маҳалласи аҳолиси шу ерда истиқомат қилаётганидан мамнун. Ёш кекса — ким билан суҳбатлашманг, мавзу маҳалладаги ўзгаришлар — ободликка уланади. Одамлар ҳаётидаги янгиланишлардан, кайфиятидаги кўтаринкиликдан кўнглингиз яйрайди. Чиндан ҳам қисқа вақт ичида “Сархумдон”нинг қиёфаси буткул ўзгарди, мамлакатимизнинг обод гўшаларидан бирига айланди. Маҳалла аҳолисининг бугунги қувончига асосий сабаб эса — давлатимиз раҳбарининг ҳудудга ташрифи бўлди.

“Шунча шароитдан сўнг нолисақ, ношукрлик бўлади”

Шаҳарда иш вақти энди бошланаётган бир пайтда Сархумдон маҳалласи гузари нуронийлар билан гавжум.

— Дарахтлар тез орада ўзини тугтиб олади. Тупроқнинг нами қочмаган. Экилган кўчатларга алоҳида қаров керак. Баҳоргача олиб чиқиб олсак, марра бизники, — деди бир отахон.

Унинг гапини бошқаси давом эттирди: — Шомансур, маҳаллада чўп суқишга жой қолмади. Маҳалла болаларини меҳнатга ўргатиб олдик. Энди ўзлари бемалол эпланди — ҳар бир ҳудуд ўз майдонини назорат қилиб, вақтида сув ва ўғитини берса, бир-икки йилда соя-салқин жойлар кўпаяди, мевали дарахтлар ҳам ҳосилга қиради.

Давоми 3-бетда



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМИ: ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК — МУВАФФАҚИЯТЛАР ОМИЛИ

Тошкент шаҳридаги Анжуманлар саройида 24 ноябрь куни “Янги Ўзбекистон таълими: ислохотлар йўлида муваффақиятли ҳамкорлик” халқаро форуми иш бошлади.

Президент таълим муассасалари агентлиги томонидан халқаро ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ташкил этилган анжуман кун тартибидан глобал таълимни ривожлантириш, ўқитиш сифатини янги

босқичга олиб чиқиш, ҳамкорликни кучайтириш, ўқитувчилар малакасини ошириш каби масалалар ўрин олган.

Тадбир аввалида Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг

Халқаро форум иштирокчиларига табригини Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Абдужаб-бор Абдувоҳидов ўқиб эшиттирди.

Давоми 5-бетда

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ

Башорат ЮНУСОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

Ёши отахонлардан бироз кичиклиги сезилиб турган Шомансур ака суҳбатдошларини раиснинг хонаси томон бошлади:

— Қани, бир раисга кириб қайғалик-чи, бизга нима хизмат бор экан?! Кейин уйга кириб, дам олсак бўлар.

Отахонлар эрталабдан уйда дам олиши, телевизор томоша қилиши ёки кузнинг қўшини ғанимат билиб, гузардаги айвонда суҳбатлашиб ўтирса ҳам бўларди. Бироқ улар ўзларини маҳалла кўркемлиги, тинчлиги, оилалар фаровонлигига масъул деб билади.

Нуронийларнинг ортидан эргашдик.

— Давлатимиз раҳбарининг энг асосий талаби — вазирлик ва идораларни куйи бўғинга тушириб, жойлардаги муаммоларни ҳал этиш, барча дас-турларни маҳаллабай амалга ошириш, — дейди МФЙ раиси Абдуманноб Зокиров. — Оқилона сиёсатнинг яққол ифодасини, мана, маҳалламиз мисолида кўриб турибсизлар. Яқин йиллар ичи-да ҳам йиғинимиз маҳалла масжидига қарашли учта хонада фаолият юритиб келарди. Бино эски, хоналар торлиги аҳоли билан ишлашда айрим муаммоларни келтириб чиқарарди. Уларнинг дардини эшитиш, муаммосини кенгашган ҳолда бартараф этишга шароит йўқ эди. Бугун эса маҳалламиз ўзгаришлар қуршовида қолди. Янги маҳалла гузари қад ростлади, рўпарамиз-да савдо ва маиший хизмат шохобчалари, ҳар бир кўпқаватли уй олдида болалар учун ўйин майдончалари қурилди. “Ҳарбий ватанпарварлик майдончаси” барпо этилган, “Мен аскар бўлман, юртимни қўриқлайман” дегувчи болалар кўлайди. Йўлларимизга асфальт ётқизилди, айрим жойла-ри бетон қилинди. Давлатимиз томонидан аҳоли фаровонлиги учун яратилаётган шароитлардан унумли фойдаланиш, ҳудуд ободлигини кўз қо-рачигидек асраш, қилинган беминнат кўмакнинг қадрига етиш — бизнинг вазифамиз. Шундай ободликда яшаб ҳаётимиздан нолисак, ношу-курлик бўлади. Маҳалла гузари фойдаланишга топширилган, бу ерга келувчилар кўпайди. Улар муаммо билан эмас, энди ташаббус билан кела-диган бўлди. Ҳатто ёш болалар ҳам аквариумда-ги балиқларни томоша қилиш ёки тўрқовқдаги беданаларни кўриш баҳонасида бинога бемалол келаверади. Бунинг яхши томони бор, ёшлар нуронийларнинг панду насихатлари билан ўлғаймоқда. Тўхтамурад Саидов, Раҳматулла Абдусаматов, Шомансур Исроиллов каби нуронийларнинг кўмаги ҳар дақиқада асқотади...



Шавкат Мирзиёевнинг маҳаллага ташрифи барча учун катта байрамга айланди. Нуронийлар учун эса алоҳида байрам бўлди. Чунки Президен-тимиз “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси дои-расида кўчатлар экилиб барпо этилган маҳалла муъжаз боғига улар билан бирга кўчатлар ўтқа-зди. Энг муҳими, нуронийлар ўзларига кўрсатилган эҳтиромдан жуда мамнун ҳолда дуога кўл очди.

— Ёшим бўлиб оптига чикди, — дейди Раҳ-матулла ота Абдусаматов. — Юртимиз тинч, маҳалламиз обод — кўнглимиз хотиржам. Мана шу хотиржамлиқнинг қадрига етишимиз керак. Президентимизнинг кишлоқларга, маҳаллалар-га бориб, нуронийлар билан дилдан суҳбат қу-рганини кўриб, уларга ҳавасим келарди. Шукур-ки, ана шундай хурсандчилик бизга ҳам насиб этди. Гузаримиз ёнидаги боққа Президентимиз билан бирга кўчат ўтқаздик. Экилган саккиз тул қўчат нуронийларга эҳтиром намунаси, маҳалла ободлигининг рамзий ифодаси бўлди.



АНВАР ОТА ВА ОЗОДА АЯНИНГ ТУРМУШ АЧЧИҚ-ЧУЧУГИНИ БИРГА БАҲАМ КЎРАЁТГАНИГА ОЛТМИШ ЙИЛДАН ОШДИ. ПИРУ БАДАВЛАТ НУРОНИЙЛАР МАҲАЛЛАДАГИ ТЎЙ ВА МАЪРАКАЛАРГА БОШ. ОТАНИНГ БИР ОРЗУСИ ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ “ГУЛОБОД”ГА ТАШРИФИДАН СЎНГ УШАЛАДИГАН БЎЛДИ.

ВАТАН, ҲАР ҚАРИЧ ГЎШАНГ ОБОДЛИККА ЮЗ ТУТГАЙ



Айвонда отахонлар суҳбати кўр олди. Уларни қузатарканмиз, Раҳматулла ота айтганидек, кўн-гли хотиржамлиги инсон ҳаётининг муҳим жиҳа-ти, саломатлик асоси эканини уйладик.

“Президент бобо билан саломлашдим”

— Шохрў-ў-ў! Танши исмини эшитиб болалар майдончаси томон ошдик. Адашмамиз, бу болакай чиндан ҳам Пре-зидентга, “Мен Шохрў эмас, Шохрўзмат” деган болакай экан. Тўрт ёшли Шохрў Президент билан қисқа, лекин самимий суҳбати ортидан тилга тушди. — Шохрў ўн йилда кутиб, Худодан тилаб ол-ган фарзандимиз, — дейди болакайнинг онаси Дилноза Алимова. — МФЙ га ёндош кўпқаватли уйда турганимиз боис, ўша кунни ҳам одатдаги-дай болалар майдончасида уйнашга чиқандик. Шохрў кичкина бола бўлгани учун одамларни оралаб ўйнаб юраверди. Президентимизнинг кўзи унга тушиб, ёнига қақирди. Сўнг биз ҳам суҳбатлашишга муяссар бўлдик. Давлатимиз раҳбари биздан ўз ҳаётимиздан розимизми-йўқ-ми — сўради. Жуда ҳаяжонда эдим, айтмоқчи бўлган гапларим кўп эди, бироқ ўша пайтда, рости, тилим айланмади. Ҳеч бўлмаса, маҳал-ламиздаги ободлик, бунёдкорлик, фарзандла-римиз учун яратилган шароитлардан мамнунли-гимиз ҳақида гапиришим мумкин эди.

Қулай иш: аёллар маҳалладан чиқмай даромад олмоқда

Сархумдон маҳалласидаги 45 та кўпқаватли уйда 6 минг 500 дан ортиқ аҳоли истиқомат қи-лади. Бугунги бунёдкорлик бу уйларда яшаётган 2077 оилага бирдек қувонч олиб кирди, десак муболаға бўлмас. Чунки ўтган асрнинг 70-йил-ларида қурилган маҳалла шунча йиллар даво-мида кенг қўламда таъмирланмаган экан. Сўнг-ги йилларда эса манзара ўзгарди: уйларнинг том ва фасад қисми, кириш йўлаклари мукам-мал таъмирдан чиқди. Аҳолининг мавжуд муаммолари “хонадонбай” ишлаш орқали бартараф этилмоқда. Биринчи босқичда “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган аҳоли бугун даф-тардан чиқарилган: кимгадир кредит ажратилди, кимгадир моддий кўмак кўрсатилди. Ишлаш ис-тагида бўлган, бироқ иш топа олмаётганларнинг бандлиги таъминланди.

— Қизим Дилноза “Ёшлар дафтари”га кири-тилган эди, — дейди маҳалладаги тикувчилик цехи раҳбари Зоҳида Ортиқова. — Қўлимиздан

тикувчилик келгани боис, тадбиркорликни йўлга қўйишни мақсад қилдик. Маҳалла кўмаги билан 33 миллион сўм кредит ажратилди. Саккизта ти-кув машинаси сотиб олиб, иш бошладик. Бугун-ги кунда саккизта иш ўрни яратилиб, ҳам ўзимиз ишли бўлдик, ҳам “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган хотин-қизларни иш би-



лан таъминладик. Бундан ташқари, ёш болали аёллар учун уйда ўтириб ишлашга шароит яра-тилди. Уларга яримтайёр маҳсулот тарқатамиз, тайёр бўлган, йиғиб оламиз. Аини пайтда аёл-лар ва болалар учун мавсумий кийимлар ҳамда чойшаблар тикяймиз. Маҳсулотларни ички бо-зорга чиқарамиз. Яқинда ҳудудимиздаги боғча-лардан чойшаблар учун тақлиф тушди. Шарт-нома туздик. Шунингдек, ҳудудимизда турмушга чиқаётган қизлар ҳам келинлик либослари учун сарполарини бизга олиб келишади. Тикувчилик цехининг қулай томони, хо-тин-қизлар уйдан узоқ кетмайди. Масофа яқин-лиги вақтни, яна йўл ва тушлик учун маблағни тежайди. Уйда кексалари бор ишчилар учун уларнинг ҳолидан хабар олиш имкони бор. Мак-таб ва боғча — бир атраф. Тикувчилар бир ойда 2-2,5 миллион сўм қадрида маош олибди.

“Президентимиз ташрифи билан маҳалламиз мактабли бўлди”

Мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар томон-лама баркамол вояга етиши учун имкониятлар яратилмоқда. Сархумдон маҳалласи болалари учун спорт ва ўйин майдончаларидан ташқари яна бир майдонча барпо этилдики, бу уларнинг ватанпарварлик руҳида тарбияланишига хизмат қилиши билан аҳамиятли.

— Давлатимиз раҳбари маҳалламизга ташри-фи давомида “Ҳарбий ватанпарварлик майдон-часи”га спортчи ва аскарларни тақлиф қилиб, турли учрашувлар ўтказишни, бу фарзандлари-мизни гурурли ва мард бўлиб тарбияланишида катта аҳамиятга эгаллигини таъкидлади, — дей-ди МФЙ раиси А.Зокиров. — Бу ерга 41-мактаб яқин. Дарсдан сўнг келсангиз, гавжум бўлади. Турли машқлар бажаришга ҳавасманд бола-лар кўп. Майдончага ўрнатилган қурилмалар хавфсиз.



Яхши ният — ярим давлат

Бугун янги Ўзбекистоннинг кенг қўламли ис-лохотлари замирида инсон қадри ва унинг ман-фаатлари мужассам. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқида ҳам муҳтарам отахон ва онахонлари-миз, меҳнат фахрийларининг ҳаётини мазмунли ва файзли қилиш, улар учун муносиб турмуш шароитини яратиш, соғлигини мустаҳкамлаш бўйича бошланган ишларни янада кучайтириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари Сархумдон маҳалла-сига ташрифидан сўнг қутилмаганда Гулобод маҳалласига йўл олди. Маҳалла билан танишар экан, йўл-йўлакча аҳоли билан саломлашди,

ишлар тўхтаб қолган, жорий йилнинг май ойидан яна ишлар бошланган эди. Дастур доирасида ҳудудимиздаги давлат мактабга-ча таълим ташиқоти мукаммал таъмирдан чиқмоқда. Эрта-индин фойдаланишга топ-ширилади, — дейди МФЙ раиси ўринбосари Назирхон Эргашева. — Президентимизнинг маҳалламизга қутилмаган ташрифидан сўнг ишлар жадал тус олди. Маҳалламиз аҳолиси кайфияти кўтарилди, ҳудудимизни ободон-лаштириш ишларига бош қўиш мақсадида барчамиз шай ҳолатдамиз. Ҳадемай қўшни маҳалламиз қаторига бизнинг ҳам янги қиёфа-даги маҳалламиз қўшилади.

Мактаб миллат келажаги таълим-тарбия то-падиган маскан. Бугун уларга кўрсатилган кичик эътибор келажақда катта самара қўрсатади. Президентимизнинг “Янги Ўзбекистон мактаб оstonасидан бошланади” деган таъкиди зами-рида катта маъно мужассам.

Гулобод маҳалласидаги 41-умумтаълим мак-табида айни пайтда 1 минг 800 дан ортиқ ўқувчи таълим олади. Таълим ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Мактаб ўқувчилари гандбол бўйича туман ва шаҳарда машхур.

Шавкат Мирзиёев Шайхонтоҳур туманига ташрифи давомида мазкур мактабга ҳам кириб, у ердаги шароит ва имкониятлар билан таниш-ди. Ўқитувчилар билан суҳбатлашди.

— Мактабимиз 1977 йил қурилган бўлиб, таълим муассасаси очилишида давлат арбо-би, ёзувчи Шароф Рашидов иштирок этган. Президентимизнинг мактабимизга ташрифи биз учун қутилмаган тасодиқ бўлди, — дей-ди мактаб директори Гулноза Музаффарова. — Дастлаб муассасамизнинг туртинчи бло-кида жойлашган Болалар ва ўсмирлар спорт мактабини кириб кўрди, сўнг бизнинг мактаби-мизга кирди. Барчамиз тараддулларин қолдик. Мактабимиз очилишига бир пайтлар Шароф Рашидов ҳам келганини эшитиб, “Бу табар-рук жой экан, билиб келибман” деди. Еттинчи синфда жисмоний тарбия фани бўлаётган эди. Давлатимиз раҳбари спорт залга кириб, дарс жараёнини кузатди. Шунингдек, ҳудудимизни кўкаламзорлаштириш, дарахт қўчатларини экиш, бу орқали ўқувчиларда кўнжималар-ни тарбиялаш зарурлигини таъкидлади. Энг муҳими эса, мактабимиз ошхонасида ўқувчи-лар учун тўйимли ва сифатли таомлар тайёр-ланиши тизимга солиниши кераклиги алоҳида вазифа қилиб берилди.

Ўқувчиларнинг жисмоний саломатлиги таъ-лим олишида муҳим аҳамият касб этади. Бу борада мамлакатимизда аҳолининг соғлом турмуш тарзига кенг эътибор қаратилаяпти. 41-умумтаълим мактаби ўқувчиларининг ганд-бол ҳамда волейбол спорт турлари бўйича кат-та тажрибаси бор. Бироқ спорт зал ва анжомлар эски. Давлатимиз раҳбари мавжуд ҳолат билан танишиб, мутаассадиларга топшириқ берди.

— Спорт залига Президентимизнинг кириб келиши биз — ўқитувчилар учун ҳам, ўқувчилар учун ҳам катта ҳодиса бўлди, — дейди мактаб-нинг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Дилшод Давронов. — Мактабимиз биносини янгилаш, фанлар учун ҳам, ўқувчиларнинг спорт билан шуғулланиши учун ҳам яхши шароитлар яратиб берилишини эшитиб, қувондик. Давлатимиз раҳ-бари тўғрақ қаровини ошириш, мактаб ўқувчи-ларидан ташқари маҳалла болаларини ҳам спорт-га жалб этиш зарурлигини айтди. Бу тақлиф биз учун катта масъулият бўлиши билан бирга олди-мизга катта мақсад қўйишга туртки бўлди.

Бугун мамлакатимизда инсон қад-қиммати учун амалга оширилаётган ислохотлар аҳоли-га қувонч улашмоқда. Янгилашни ва ўзгариш-лар эпкинни уларни рози қилмоқда. Президент ташрифи пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур тум-анидаги Сархумдон ва Гулобод маҳаллалари аҳолиси ҳаётига қўтаринкилик, хуш кайфият, янгилашни олиб келган бўлса, не ажаб. Одам-лар билан суҳбатлардан чиқарган хулосамиз шу бўлди: ўша кун одамлар учун “тарихий кун бўлиб қолади”.

ЯНГИ ТИЗИМ

КЕЙТЕРИНГ —

мактабгача таълим ташкилотларида соғлом овқатлантиришни ташкил этишнинг замонавий усули

Президентимиз куни кеча Тошкент шахри Шайхонтоҳур туманида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишниш асносида Ғулобод маҳалласидаги 41-умумтаълим мактабини ҳам кириб кўрди, ўқитувчилар билан гаплашди. Шунингдек, мактаб ошхонаси таомномасини кўздан кечирав экан, ўқувчилар учун сифатли, тўйимли, баланслаштирилган таомнома бўлиши учун кейтеринг хизматини аутсорсинг асосида ташкил қилиш борасида пухта лойиҳа тайёрлаш бўйича мутасаддиларга кўрсатма берди.



Шахноза РЎЗИЕВА, Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти катта ўқитувчиси

Давлатимиз раҳбари ёш авлоднинг таълим-тарбияси, соғлом вояга етиши ҳақида доим қайғуриб келади. Кейтеринг тизимини жорий этиш борасидаги кўрсатмаси эса ана шу ғамхуриликнинг амалий ифодаси сифатида таҳсинга лойиқ. Гап шу ҳақда кетганида таъкидлаш ўринлики, сўнгги йилларда мамлакатимизда аҳоли саломатлигига эътибор янада кучайди. Хусусан, соғлом турмуш тарзи, мактабгача ёшдаги болаларнинг соғлом овқатланишига устувор аҳамият қаратилмоқда. Зотан, ҳаммамиз фарзандларимизнинг жисмоний ва ақлий жиҳатдан соғлом бўлишини истаймиз. Албатта, бу мақсадга эришиш учун қатор омиллар муҳим роль ўйнайди. Шундай бўлса-да, уларнинг ақлий ва жисмоний ривожланишида ҳамда моддалар алмашинуви жараёнининг бир текис таъминланиб туришида айнан соғлом овқатланиш етакчи аҳамиятга эга. Овқат таркибида асосий озиқ моддалар, яъни оқсил, ёғ ва углеводлар бир-бирига мос, тўғри нисбатда бўлса, тўғри овқатланиш ташкил этилган ҳисобланади. Ана шу моддалар овқат таркибида етарли ва зарур миқдорда бўлганда организмнинг озиқ-овқат маҳсулотларига ҳамда биологик бирикмаларга бўлган эҳтиёжи тўлиқ қондирилган бўлади. Болалар овқатланишини шундай ташкил этиш керакики, у энг аввало, ўсаётган бола организмнинг ўлғайиши ва ривожланишини тўлиқ таъминласин. Бу жараёни тўғри ташкил этиш мактабгача таълим ташкилотлари тиббиёт ходимлари ва раҳбарларининг асосий вазифаларидан биридир. Шунинг учун таълим ташкилотларида тиббиёт ходимлари томонидан таомномага киритилаётган овқатларнинг энергетик қиймати тўғри белгиланиши ҳамда уларнинг хилма-хиллигига эришишда нималарга аҳамият бериш лозимлигига эътибор қаратилади. Бундан ташқари, озиқ-овқат маҳсулотларининг биологик аҳамиятини ёритиш мақсадида оқсил,

ёғ, углевод, витамин, минерал моддалар каби таркибий қисмларнинг организм учун аҳамияти ва уларнинг манбаларига эътибор қаратиш лозим. Шунингдек, таомномани тузишга қулайлик яратиш мақсадида салатлар, биринчи ва иккинчи таомлар учун сарфланаётган маҳсулотларнинг миқдори ва таомнинг тайёрланиш технологияларига тўлиқ амал қилиш муҳим аҳамиятга эга. Мактабгача ёшдаги болалар учун тузилган кунлик таомномалар қандай талабларга жавоб бериши керак? Аввало, овқат тайёрлаш тартиби, маҳсулотларга дастлабки ва иссиқлик ишлов беришда тегишли қоидаларга риоя этиш талаб этилади. Бунда таом боланинг вазн йўқотиши ва овқатдан заҳарланишини келтириб чиқармаслиги керак. Болаларнинг овқат рацисонига кунлик меъёрга белгиланган озиқ-овқат маҳсулотлари киритилиши муҳим. Чунки озиқ-овқат маҳсулотлари орқали бола организми асосий моддалар билан етарли даражада таъминлаб турилса, бола организми ташқи муҳит таъсирига чидамли бўлади. Айниқса, унинг юқумли касалликларга қаршилик кўрсатиши ҳамда жисмоний ва ақлий иш қобилияти ортиб боради. Таомнома тузиш — шунчаки рўйхат ёзиш эмас. Ундаги барча таомлар таркибига болалар учун кунлик рационда белгиланган озиқ-овқат маҳсулотлари киритилиши керак. Бунда ўз-ўзидан боланинг ёшига қараб, унинг озиқ моддаларга бўлган эҳтиёжи қондирилади. Шунинг учун таомнома тузишда озиқ-овқат маҳсулотларининг қимматий таркиби ва калориясини билиш мутахассис зиммасига муҳим вазифа юқлайди. Бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири шунки, айрим мактабгача таълим ташкилотларидаги ошхоналарда айнан мутахассис ошпазлар йўқ. Ҳар қим ҳам таом тайёрлай олиши мумкин, лекин технология асосида (ҳарорати, вақти) таом тайёрлашни ҳамма ҳам билвермайдми. Таом тўғри технология асосида тайёрлансагина болалар организмга фойдали бўлади. Агар белгиланган қоидалар асосида тайёрланмаса, ҳатто зарар бўлиши ҳам мумкин. Мақсад — болалар қорнини тўйдиришига эмас, шу билан бир қаторда, овқат таркибидаги моддаларнинг организмга ижобий таъсирини оширишдир. Шунинг учун мактабгача таълим ташкилотларида, биринчи ўринда, тажрибали, билимли мутахассис ошпазларни тўғри танлай олиш лозим. Давлат мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланувчиларни соғлом овқатлантиришни ташкил этиш ишларини янада такомиллаштириш, белгиланган санитария ва гигиена қоидалари, меъёрларига мувофиқ ҳолда овқатлантиришни ташкил этиш орқали болаларнинг соғлом ва баркамол ўсишини таъминлаш, таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини ошириш учун кенг имкониятлар яратилади. Бугун мамлакатимиздаги мактабгача таълим ташкилотларига ҳам аутсорсинг усули жорий этилмоқда. Бу тизим болалар учун тайёрланаётган таомнинг алоҳида тажрибага эга бўлган ошпазлар томонидан технология қоидаларига амал қилган ҳолда тайёрланиши билан аҳамиятли. Яна бир муҳим томони — ташкилот ходимларининг таълим-тарбия жараёни билан янада самаралироқ шуғулланиш имкониятини яратди. Болалар овқатланиши аутсорсинг усули орқали ташкил этилганда тарбияланувчиларнинг физиологик ёшига мувофиқ озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаблар инобатга олинади. Бу орқали уларнинг рационал овқатланиши таъминланади, озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомнинг хавфсизли-

ги ҳамда сифати кафолатланишига эришилади. Тарбияланувчиларда овқатланиш билан боғлиқ юқумли касалликлар тарқалишининг олди олинади, тарбияланувчилар ўртасида тўғри овқатланиш қўнимаси шаклланади. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомни тайёрлашда, шунингдек, хомашёни сақлаш ҳамда ташишда санитария меъёрлари ва қоидаларига қатъий риоя қилиш асосий шартлардан ҳисобланади. Аутсорсинг усулида фаолият юритадиган умумий овқатланиш корхоналарига қўйиладиган талаблар шундан иборатки, умумий овқатланиш корхонаси ташкилотларни арзон, сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида таъминотчи корхоналардан тўғридан-тўғри бошланғич нархларда маҳсулот харид қилиш, тарбияланувчиларнинг физиологик ёшига мувофиқ озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган

Мактабгача таълим ташкилотларига таомни етказиб бериш ҳар куни бир хил вақтда ташкил-лаштирилиши керакики, бола ҳар куни бир вақтда таом истеъмол қилса, унда рефлекс пайдо бўлади. Демак, таом истеъмол бўлишига яқин ўз-ўзидан сулак безлари ажралиб чиқа бошлайди. Сулак безлари яхши ажралиб чиқса, бола таомни иштаха билан истеъмол қилади ва яхши ҳазм бўлади. Етказиб бериш жараёнида, албатта, маҳсул транспортлардан фойдаланиш зарур, сабаби таомнинг айнан болалар истеъмол қиладиган ҳароратда таъминланиши ёки сифати тез бузилуви озиқ-овқат ва маҳсулотларни музлатгичли машинада олиб бориш талаб қилинади. Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, болалар ва ўсмирлар организми катталарникидан фарқ қилади. Уларда кўпгина тизим ва аъзолар ривожланишда бўлади, иккинчидан, уларнинг асаб тизи-

семириш ва у билан пайдо бўладиган салбий асоратларга олиб келади. Кичик ёшдаги болаларнинг кунлик овқатида мол, қўй, бузоқ ва парранда гўшти, балик, ўсимлик ёғи, ёрмалар, дук-какилар, сабзавотлар (қарам, сабзи, шолғом ва бошқалар), мева-чева, ёнғоқ, қўкатлар тегишли миқдорда бўлиши керак. Яна ҳафтада бир-икки марта улар овқатига озорқ саримсоқ қўшиб бериш мақсадга мувофиқдир (унинг бактерицидлик ва яллиғланишга қаршилик кўрсатувчи хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда). Боланинг кунлик овқатига меъда-ичак тизими ҳаракат фаолиятини кучайтириш учун озиқ толарига бой маҳсулотлардан (қора нон, пўсти олинмаган олма, сабзи, қарам, шолғом, қўкатларда мўл бўлади) ҳам тегишли ўрин бериш керак. Улар иложи борица, ҳар куни мева-чевадан, қиш кунлари шу ёшдаги болаларга мўлжалланган мева шарабатларидан, консервалардан тановул қилиб туриши лозим. Бундай овқатланиш улар организмнинг керакли витаминлар, минерал моддалар ҳамда биологик фаол моддалар билан таъминланишида муҳим аҳамият касб этади.


3-6 ёшли болалар овқатидаги асосий озиқ моддаларнинг (оқсил, ёғ, углевод) миқдор жиҳатдан тақсимланиши катта одамларникидек, яъни 1:1:4 бўлиши лозим. Улар овқатида хилма-хиллик бўлиши, турли гўшт ва гўшт маҳсулотларига, сут ва сут маҳсулотларига, сабзавот (сабзи, қарам, лавлаги, помидор, бодиринг, қовун, тарвуз, ошқовоқ ва бошқалар) мева-чевага етарли ўрин берилиши керак. Уларнинг кунлик овқатига мўлжалланадиган шакарни, иложи борица, асалга ёки майизга алмаштирган маъқул. Бу маҳсулот таркибидаги ширинлик шу ёшдаги болалар учун нихоятда фойдалу бўлган фруктоза, глюкоза кўринишида бўлади. Мактабгача ёшдаги болалар кунига тахминан 500 грамм сут, қатик истеъмол қилиши шарт, бу улар организмни тўла қийматли оқсиллар билан таъминлашда муҳим. Бундай болалар учун оз миқдордаги саримсоқлиёз анча фойдали, лекин уларнинг кунлик овқатидан қаҳва, аччиқ чой, хантал, сирка каби ўткир ва аччиқ таъмли моддалар олиб ташлангани маъқул.

2-5 ёшли болалар учун бир кунда истеъмол қилинадиган овқатнинг умумий миқдори 1700-1800 грамм, 5-6 ёшли болалар учун эса 1900-2100 грамм бўлиши тавсия қилинади. Бочка ёшдаги болалар асосий овқатлар оралиғида бирор нарса еб қўймаслиги керак. Бундай болалар ширинликка жуда ўч бўлади. Овқатлангунча шулардан оз бўлса-да, тамадди қилган болада асосий овқатга иштаха йўқолади, чунки меъдага тушган конфет ёки шоколад тегишли меъда ширасини ажратиб, бу ерда овқат ҳазм бўлиш жараёнининг “қизгин” вақтини ўтказиб юборади. Танага сўрилган ширинлик билан иштаха “алданади”. Бундай ҳолни катта одамларда ҳам кўриш мумкин. Уларда иштахани “ўлдириш” ёки “жиповлаш” учун овқатдан олдин бир оз ширинлик истеъмол қилиш, салат ейиш, шарбат ичиш ва 15-20 дақиқа сабр этиш кифоя қилади. Уларнинг овқати биологик жиҳатдан тўла қийматли, қувват жиҳатидан эса, мувозанатлаштирилган бўлмоғи лозим. Бу нарса овқат тайёрлашда тегишли маҳсулотларни танлаб олиш йўли билан амалга оширилади. Чунончи, оқсил ва ёғ бобида ҳайвон маҳсулотлари меъёридан ошиб кетмаслиги, овқатга тўла қийматли ўсимлик ёғидан, клетчаткага бой мева ва сабзавотлардан кўпроқ ишлатиш мақсадга мувофиқ бўлади. Озиқ-овқатлар ёғ алмашинуви-ни бузмайдиган, минерал моддалар ва витаминга бой бўлиши зарур. Бундай моддаларнинг табиий манбалари — балик, мол, қўй ва парранда гўшти, сут-қатик, пишлок, ўсимлик ёғи, гречка ва сули ёрмаси, қуқат, мева ва сабзавотлар.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, мақсадимиз мактабгача таълим ташкилотларида болаларни қайси усулда овқатланишдан қатъи назар, биринчи ўринда, уларнинг соғлом овқатланишини таъминлаш ва, албатта, баркамол авлод қилиб тарбиялашдан иборат.


МУЛОҲАЗА

Бозор НАЗАРОВ, Узун давлат ўрмон хўжалиги бош ҳосилоти



Ўрмон хўжалигида ишлаётганимга қирқ йилдан ошган бўлса, йигирма йилдан бери бош ҳосилотман. Бошқача айтганда, мевали ва манзарали дарахтлар кўчатини етиштиришга ҳам жавобгарман. Хўжалигимизда ҳар йили сара мевали ва манзарали дарахт кўчатларини тайёрлаш билан шуғулланамиз. Президентимизнинг ташаббуси билан мамлакатимиз бўйлаб кенг қулоч ёйган “Яшил макон” лойиҳаси доирасида кўчат экиш бўйича долзарб қирқ кунликда элимизнинг бир ёқадан бош чиқариб, ҳамжиҳатлик билан ишлаётганини кўриб ҳавасим келяпти.

ЭКИЛГАНИ ЭМАС, КЎКАРГАНИ ҲИСОБ



Сўрхондарё вилоятидаги барча бочка, мактаб, коллеж, олий таълим муассасалари, ташкилот, корхоналар, маҳаллалар меҳнат жамоалари ҳам атрофдаги бўш жойларга, шунингдек, ариқлар бўйи, кўча ва йўлларнинг икки четига мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экишни қизгин давом эттирмоқда. Айниқса, кейинги йилларда вилоятнинг шаҳару қишлоқларида янги уй-жойлар ва йўллар қурилиши муносабати билан кўп дарахтлар қосилиб кетди. Фидойилар ана шу бўшлиқни тўлдириш учун ҳам дарахт экишга катта эътибор берапти. Режага кўра, воҳа аҳли жорий йилнинг куз ва келгуси йилнинг баҳор мавсумида жами 16 миллион туп кўчат экишни мақсад қилган. Гап шундаки, экилаётган кўчатлар намунали парваришланса, шубҳасиз, баҳорда бехато кўкаради. Тўғри, атрофимизга дарахт гул экиш ва дарахтзорларни кенгайтириш зарурий эҳтиёж. Бироқ экилгани эмас, кўкаргани ҳисоб. Бу гапни нега айтаялман? Чунки неча йилдан бери эрта баҳорда миллион-миллион туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилади. Лекин... Агар ўша кўчатларнинг ҳеч бўлмаса ярми




кўкарганда эди, бугун атроф дарахтзорга айлан кетган бўлади. Бошқа манзиллар ҳақида гапирмайман, биргина Узун туманидан то Термиз шаҳригача бўлган 200 километр автомобиль йўлини мисол қилиб олайлик. Йўлнинг икки чеккасида санокли дарахтларга кўзингиз тушади. Ваҳоланки, ҳар йили бу ерларга миллион-миллион туп ниҳол экилади. Мутасаддиларга “фалон минг туп дарахт кўчати экилди”, деб маълумотлар берилади. Тўғри, кўчатлар экилади, бироқ парваришига келганда... Бир ойдан кейин ниҳоллар ё сини ётган бўлади, ёки сувсизликдан қуриydi. Айниқса, ёзи жазирама Сўрхондарё шароитида ниҳоллар ҳар ўн кунда сугорилмаса, қуёш тафтида қуруқ шохчага айланиши турган гап. Нафақат катта йўл чети, балки ариқ ва каналлар ёқаси, мактаб, боғча, коллеж, ташкилот, корхона ва маҳаллалар атрофида экилган кўчатлар ҳам парвариш қилинмагани ёки сугорилмагани учун қуриydi. Сабаби — экамиз-у, парваришига келганда бепарвомиз. Ҳолбуки, маблағимизни ва тиллога тенг вақтимизни сарфлаб кўчат харид қиламиз, ниҳолларни ўтқазмиш учун ҳафта-лаб ишлаймиз. Аммо меҳнатимизга ва сарф-



лаган маблағимизга ачинадими. Бир қисмини болалар ўйиниб синдиради, яна бир қисмини чорва моллари пайхон қилади. Нега томорқада ёки боғда экилган кўчатлар дуркун ўсади, мева беради, тез каттаради? Чунки тағзаминида шахсий манфаат ётади. Йўл четиға, канал, ариқ ёқасига, мактаб, боғча, идора, корхона ҳамда маҳаллалар худудиға экилганиға умуминики деб қараймиз. “Экдингми, экдик”, дейишға одатланиб қолганмиз. Агар жамоат жойларига ўтқазилган ҳар бир туп кўчат, ҳар бир туп гулга худди ҳовлимиздагидек меҳр берсак, тез орада атроф дарахтзорға бурканади, гулзорға айланади. Ҳеч бўлмаса, ёзда соясида ўтирадиз, мевасини истеъмол қиламиз, тоза ҳаводан нафас оламиз. Дарахтлар кисло-род чиқариш баробарида уйимиз ва экинзорларимизни шамолу гармселдан ҳимоялайди, чанг-тўзонни ютади. Уруғ экиб кўчат етиштириш ёки қаламчадан ниҳол яратгунчаға кўчатчи бобгон йиллаб кутади, меҳнат қилади. Биз эса парваришиға безъэтибор бўламиз, вақтида сугормаймиз, тагига ишлов бермаймиз. Натижада кўчатимиз кўкармайди, тез орада қуриб қолади. Токим утқа-



зилган кўчату гулга бир киши масъул этиб бириктирилмаса, қаров кўрмаса, барча ҳаракатларимиз зое кетади. Бугун экилаётган мевали ва манзарали дарахт кўчатларға масъуллар бириктирилган, уларнинг парваришиға, мамлакатимизнинг ҳақиқий “яшил маконға” айланиши борасидаги ҳаракатлар соҳа мутахассиси сифатида бизға улкан қувонч бағишлайди.



2021 йил 25 ноябрь, 237-сон

5

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМИ: ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК — МУВАФФАҚИЯТЛАР ОМИЛИ

Бошланиши 1-бетда

Халқаро форумда Массачусетс технологиялар институти J-Well директори Вижай Кумар, Мюнхен техника университети фахрий президенти, Янги Ўзбекистон Университети фахрий ректори Волфганг Херрман, ЮНЕСКОнинг таълим масалалари бўйича директори ўринбосари Стефания Жанини, "Cambridge Assessment" халқаро таълим ташкилоти бош маслаҳатчиси Стив Кинг, "Times Higher Education" ўқув муассасаси бош тижорат директори Ник Девис сингари кўплаб халқаро миқёсдаги обрўли мутахассислар иштирок этаётгани мазкур анжуманнинг юқори нуфузини белгилайди.

Анжуманлар саройи айвонида сўнгги йилларда Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган "Янги Ўзбекистон" университети, Президент мактаблари, Абдулла Қодирий, Мирзо Улуғбек, Абу Али Ибн Сино, Муҳаммад Ал-Хоразмий номидаги ихтисослашган мактаблар, Рақамли авлод ўқув муассасаларида таълим олаётган ёш ўқувчи-талабалар яратган илмий ишланмалар, ижод намуналари кўргазмаси уюштирилди.

Иштирокчилар Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар фаолияти билан танишди.

Форум доирасида Массачусетс технологиялар институти, Туркия Таълим вазирлиги, Ноттингем Трент, Портсмут университетлари, "Team Coach International" ташкилоти билан ҳамкорлик меморандумлари имзоланди.



Бунинг натижаси ўлароқ, Агентлик тизимидаги таълим муассасалари фаолиятида ҳамкорлиқнинг аниқ йўналишлари белгилаб олинади, тажриба алмашиш жараёнида таълим соҳасидаги мавжуд муаммоларга ечим топиш, амалга оширилаётган ишлар натижадорлигини баҳолаш имкони пайдо бўлади.

Тадбир иштирокчиларининг "Янги Ўзбекистон" университетининг йўналишлари, мақсад ва вазифалари, масканда яратилган шароитлар билан яқиндан танишиши етук хорижий ва маҳаллий профессорлар, олимлар, малакали ўқитувчи ва ходимларни, шунингдек, хорижий талабаларни университетга жалб қилишга ёрдам беради.

Қолаверса, бу халқаро майдонда Ўзбекистоннинг ижобий имижини яхшилашга ҳам ҳисса қўшади.

Форумнинг биринчи кунда тақдирот йиғилиши ҳамда юқори мартабали меҳмонлар иштирокида давра суҳбати ташкил этилди. Мулоқотларда, жумладан, глобал таълимдаги мавжуд муаммоларнинг ечими: хориж тажрибаси ва интеграция, замонавий меҳнат бозори талабига мувофиқ таълим беришнинг асосий омиллари, иқтидорли ёшлар учун сифатли таълим шароити яратиш, таълим оид глобал миқёсдаги янгиликларни маҳаллий шароитда жорий этиш мавзуларида экспертлар чиқиши тинланди.

Анжуманнинг иккинчи кунда Президент таълим муассасалари агентлиги ва Халқ таълими вазирлиги тизимидаги ўқитувчилар учун малакали хорижий мутахассислар иштирокида маҳорат дарслари ва тақдиротлар ўтказиш кўзда тутилган. Ялпи мажлисда рақамлашган даврда чет тилларни ўқитиш кўникмаси ва STEM фанлари жорий қилинишни ҳозирги муаммолари ва келажақдаги стратегиялари каби масалалар ҳам муҳокама этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев, Президент таълим муассасалари агентлиги директори Ҳилола Умарова иштирок этди.

Саидмурод РАХИМОВ,
ЎЗА мухбири

СЎЗ — ФОРУМ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Содиқ САФОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раисининг биринчи ўринбосари:

— Жамиятни изчил ривожлантириш учун, айниқса, бугунги кунда таълим қанчалик катта аҳамият касб этаётганига ҳаммамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Аввалги ренессанслар сабоқларини таҳлил қиладиган бўлсак, улар келиб чиқишининг биринчи сабаби фан, адабиёт, маданият, санъатга қаратилган катта эътибор эканини кўраемиз.

Ва бунинг замирида албатта, фанга, таълимга интилиш ётган. Бугунги энг катта вазифамиз ҳам таълим тизимини замонавий тамойиллар асосида ислоҳ қилишдан иборат.

Мазкур анжуман ҳам Ўзбекистондаги таълим тизимини ривожлантириш, бу борадаги халқаро ҳамкорлиқни келгайтиришга хизмат қилади. Зеро, таълим юртимиздаги ислохотлар марказида туради. Форум эса бу йўлда қўйилган муваффақиятли қадамлардан биридир.

Ҳилола УМАРОВА,
Президент таълим муассасалари агентлиги раҳбари:

— Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган янги тараққиёт стратегиясида ўқитувчиларга яхши шароит яратиш, янги мактаблар барпо этиш, мавжудларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, миллий таълим дастурини ишлаб чиқиш каби қатор вазифалар белгилаб берилди. Утган давр мобайнида соҳада катта ислохотлар амалга оширилди. Ушбу форумни ташкил этишдан мақсад ҳам замонавий, сифатли таълимни ривожлантириш бўйича нуфузли хорижий таълим муассасаларининг тажрибасини ўрганиш, хорижий давлатлар вакиллари Ўзбекистондаги таълим ислохотлари билан таништиришдан иборат.

XXI аср ёшларини тарбиялашда миллий қадриятларга суяниш ва замонавий илм-фан ҳамда технологияларни интеграция қилиш алоҳида аҳамиятга эга.

Таълим соҳасини такомиллаштириш, жаҳон тажрибасининг етакчи



жиҳатларини бизнинг амалиётга татбиқ қилишнинг даврининг ўзи тақозо этмоқда. Мазкур халқаро форум доирасида айнан мана шу йўналишларда қилинган ишларнинг таҳлили билан бирга, келгусида қилиниши зарур бўлган режалар борасида фикр алмашмоқдамиз. Умид қиламанки, рақобатбардош мутахассис етиштириш, юксак малакали кадрлар тайёрлаш, қолаверса, барчамиз учун фойдали бўлган "хаёт давомида ўқиш"

тамоийли билан яшашга ўрганиш борасида зарур маълумот ва билимлар янги муваффақиятларга йўл очади.

Хорижий ҳамкорлар билан талабалар алмашинув дастурлари, инглиз тили ўқитувчилари учун касбий ривожлантириш курсларини ташкил этиш, "Янги Ўзбекистон" университетини дунёнинг энг яхши университетлари қаторига киритиш стратегиясини ишлаб чиқишда ҳамкорлик қилиш борасида имзоланган меморандумлар ўз самарасини беради.

Тадбир иштирокчилари "Янги Ўзбекистон" университети, унинг фаолият йўналишлари, мақсад ва вазифалари, яратилган шароитлар билан яқиндан танишмоқда. Бу ўз ўрнида хорижий ва маҳаллий олимларни, малакали ўқитувчи ва ходимларни, шунингдек, хорижий талабаларни университетга жалб қилиш баробарида юртимиз таълим тизимида эришилган ютуқларни тарғиб қилиш имконини беради.

Стив КИНГ,
"Cambridge Assessment" халқаро таълим ташкилоти бош маслаҳатчиси:

— Ўзбекистон кейинги йилларда жадал ривожланаётган мамлакат ҳисобланади. Айниқса, таълимнинг ҳар бир тармоғида кузатилаётган ўсишни алоҳида эътироф этмоқчи эдим. Хусусан, Президент мактаблари истеъдодли ва ташаббускор ўқувчиларга катта имкониятлар зимини очиб берапти. Барча вилоятларда Президент мактаблари очилиши бу борадаги яна бир муҳим қадам бўлди.

Халқаро форум таълим соҳасида фаолият юритаётган олим ва мутахассисларнинг фикр алмашиши учун катта майдон вазифасини ўтамоқда. Ўз фикр-ғояларини, тажрибаларини бўлиши имконияти яратилганидан мамнунман. Халқаро таълимдаги илгор ғояларнинг Ўзбекистонда муваффақиятли амалга оширилиши ва эришилган ютуқлар Кембриж университети учун ҳам манфаатли саналади. Биз келажақда ушбу дўстона муносабатларимиз ривожланиши ва таълим соҳасида натижа беришига ишонч билдираемиз.

Вижай КУМАР,
Массачусетс технологиялар институти J-Well директори:

— Ўзбекистонда таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотларни кўриб, очиги лол қолдим. Форумдан мақсад Ўзбекистондаги таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларга ҳисса қўшиш ва халқаро ҳамкорлар билан ҳамжиҳатликда иш олиб бориш, таълим тизимида янада юксак даражаларга эришишдир. Юртингизда Президент мактаблари, "Янги Ўзбекистон" университети каби замон талабларига мос таълим даргоҳлари фаолият юритаётгани кувонарли. Бу ислохотлар замирида келажак касбларини эгаллаган, дунё талабига мос мутахассисларни етиштириб беришдек катта мақсад мужассам. Ўтказилаётган халқаро форум эса, янги ҳамкорлик алоқалари ўрнатилиши ва биргаликда катта ишларни олиб бориш, таълим масканларининг янада салмоқли натижаларга эришишига замин яратади. Форум Ўзбекистонда ҳақиқий етакчиларни тарбиялаш, уларни дунё лидерларига айлантиришда катта аҳамият касб этади.

"Янги Ўзбекистон" мухбири
Рисолат МАДИЕВА тайёрлади.

ЖАРАЁН

ИНСОН ҲУҚУҚИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Муҳаммади УСМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети профессори,
юридик фанлар доктори

Миллий тараққиётимизнинг бугунги кундаги янги ислохотлар босқичида инсон, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш амалга оширилаётган туб ўзгаришларнинг марказида турувчи энг устувор, давлат сиёсати даражасига кўтарилди, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясиде алоҳида ўрин эгаллайдиган асосий масалага айланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимидан нутқида "Инсон кадри учун" деган устувор тамойилни тўла рўёбга чиқариш, бундан буён ҳам фаолиятимизнинг бош мезони бўлиб қолади" деб алоҳида таъкидлади. Дарҳақиқат, янги ислохотлар босқичида мамлакатда инсон ҳуқуқини ҳимоя қилиш соҳасидаги янгиликлар ўз изчиллиги, мантиқийлиги ва юксалиб бориш хусусияти билан ажралиб турибди.

Масалан, Президентимизнинг 2020 йил 22 июндаги "Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармонига биноан, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасини

демократлаштириш, барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги тамойилини ҳаётга татбиқ этиш, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, аҳолининг одил судловга ишончини ошириш, судларда ишларни кўриб чиқишда адолат, очиклик, ҳолисликни таъминлаш учун "электрон одил судлов" тизими жорий қилинишига алоҳида эътибор қаратилган. Судларнинг ихтисослашувини янада такомиллаштириш, яъни умумий юрисдикция судларининг иқтисодий, фуқаролик, маъмурий ва жиноят ишларини кўриб чиқадиган судларга ажратилиши одил судлов тизимини ислоҳ қилиш орқали инсон ҳуқуқини таъминлашда жиддий қадам бўлди. Тизимдаги бу каби чуқур ислохотлар, албатта,



фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтиришга, судларда ишларнинг сифатли ва ўз вақтида кўриб чиқишлигини тўла таъминлашга замин яратди.

Инсоннинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш Ўзбекистондаги барча ислохотларимиз ўқ илдизи бўлиб турибди, десак хато бўлмайди. Хусусан, Ўзбекистон БМТнинг инсоннинг таълим олиш ҳуқуқини соҳасидаги умумжаҳон дастурида фаол қатнашмоқда, жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш концепцияси ва инсон ҳуқуқ соҳасида таълим ва кадрлар тайёрлаш бўйича миллий ҳаракат дастурини бажаришга доир барча чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

кафолатлари тўғрисида"ги, "Хотин-қизларни таълим ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинди, аёлларни ижтимоий адаптация қиладиган 160 дан ортик марказ, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлайдиган 200 дан ортик инновация мактаби ишга туширилди.

Келажакимиз ворислари бўлган ёшларимиз, болаларимиз ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш давлат таълим тизимининг энг устувор масалаларидан бирига айланди. Айниқса, етим болалар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга жиддий эътибор берилмоқда. Шу мақсадда Ўзбекистон Президентининг 2021 йил 9 августдаги "Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони, "Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялашнинг тубдан янгиланган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари қабул қилиниб, уларда етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг мукаммал институционал, ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилди. Давлатимизда янги тузилма — Олий

Мажлисининг бола ҳуқуқлари бўйича вакили институти ташкил этилди.

Бундан ташқари, Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказининг иши тубдан қайта кўриб чиқилди. Омбудсманнинг ҳуқуқий мақоми кучайтирилди, унинг судланганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги роли оширилди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказига пенитенциар муассасалар устидан мониторинг хизматини амалга ошириш ҳуқуқи берилди.

Инсон ҳуқуқини амалда таъминлашда ушбу соҳа бўйича билим ва кўникмага эга бўлиш, кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш кўзланган самарани беради. Шу мақсадда мамлакатимизнинг барча олий таълим муассасаларида инсон ҳуқуқини фанини ўрганишни йўлга қўйиш, олий таълим муассасаларида инсон ҳуқуқини кафедрасини ташкил этиш, инсон ҳуқуқини, аёллар ва болалар ҳуқуқлари бўйича ўқув курсларини йўлга қўйиш режалаштирилмоқда.

Хулоса шунки, "Инсон кадри учун" деган устувор тамойил асосида амалга ошириш кўзланган ислохотларимиз ҳар бир фуқаронинг тинч ва ҳавфсиз ҳаёт кечирishiни таъминлаш, ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароити яратиш, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш, сифатли таълим олиш, ижтимоий ҳимоя қилиш, қулай таълим муҳитига эга бўлишга замин яратади.



Буюк “Тузуқ” меъёрлари

Тарихда ўчмас из қолдирган атоқли шахсларнинг мероси кўп қирралилиги билан ажралиб туради. Бундай кўп қирралиликни буюк давлат арбоби Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари фаолиятида ҳам кўриш мумкин.

Афсуски, айримлар ул зотни умри жанг-жадалларда ўтган, от устида ухлаб, от устида уйғонган саркарда сифатида тасаввур қилишса, баъзи тарих китобларида ғарзгўйлик билан “Унинг илму маърифат, ободончилик билан шуғулланишга вақти бўлмаган”, сингари дарж этилган уйдирмаларга ҳам дуч келамиз.

Соҳибқирон бобомиз нафақат ҳарбий саркарда, балки диний ва дунёвий илмлар билимдонни, илм-фан ва санъат ҳомийси, шу билан бирга, кўрган-кечирганларини тафаккур элагидан ўтказиб, теран ҳулосалар чиқарган оқил шахс ҳам бўлган. Ўз даврида дунё ҳукмдорларининг кутубхоналарини бе-заб турган, бугунги кунда ҳам тарихий, иктимоий-сиёсий жиҳатдан қimmatли саналувчи **“Темур тузуқлари”** фикримизнинг ёрқин далилидир.

“Тузуқлар”нинг кўпроқ тарихга бағишланган биринчи қисмини, “Етти йиллик юришдан сўнг зафар ва нусрат билан Самарқандга қайтдим”, деган сўзлар хотималайди. Шу ва бошқа ишоралар китоб етти йиллик юриш асосида қўзғо-га туширилганини тасдиқлайди. Маълумки, шу йилларда Соҳибқирон кетма-кет беш кишни Қо-рабогда ўтказган. Кавказ тоғлари бағридаги бу сўлим гўша бобомизда айрича меҳр уйғотганини таъкидлаш керак. Ана шу йиллар давомида бир неча мuddат юришлардан холи, осийишта дам-лар бўлганини солномалар кўрсатади. Демак, ана шу осийишта кунларда тинч фаолият билан шуғулланиш имконияти бор эди.

Бу фаолиятнинг баъзи қирралари бунёдкорлик, ободончилик, олий анжуманлар тузиш, хорижий элчиларни қабул қилиш бўлгани маълум. Шубҳасиз, ана шу ранг-баранг юмушлар силсиласида ўтган умрни сарҳисоб қилиб, китоб тузиш (ёзиш)га ҳам жазм этган. “Тузуқлар”да шундай қайдга дуч келамиз: “Бу мактуб мазмунини менинг воқеаларим тўпланган тарих дафтарига ёзишларини буюрдим”. Дарҳақиқат, салтанатда девони хос ва девони кабир миззолари ҳар қандай катта-кичик ўзгаришларни махсус ҳолномаларда қайд қилиб борган.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗ ТАРИХИ

**Ҳаким САТТОРИЙ,
Республика Маънавият ва маърифат
маркази бош мутахассиси**

Нодир ниҳомнома ёхуд давлатнинг бош қонунида белгилаб қўйиладиган меъёрлар намунаси

да яшаган, унинг барча изтиробларини ўз қал-бидан ўтказган одамнинг ноёб асари эканлигини кўрсатиб турибди. Буни баъзи кўчирмалар ҳам тасдиқлайди.

“Хуруж вақтида қилган олтинчи кенгашим”, деб номланган бобида шундай мулоҳазалар қайд эти-лади: “Уша кеча жума эди, тонг отгунча Худодан мадад сўраб ухламай чикдим. Тонг отган, бомдод намозини ўтадим, сўнг қўлимни дуога очган эдим, кўзларим ёшланди. Юрагим бўшашди. Тангри таолога ёлвориб, мени бу сарсонлиқдан қутқари-шини тиладим. Дуо тамом бўлганича ҳам йўқ эди-ки, узоқдан бир тўп одам кўринди”.

Уша таҳликали дамларни, ҳаётини гаровга тикиб, Аллоҳга таваккал қилиб, Ватан озодлиги учун майдонга чиққан инсоннинг ички кечинма-ларини фақат ўша одамгина бунчалик юракдан хис этиши мумкин. Парчанинг давоми билан танишсак, у бизни яна ҳам воқеаларнинг ичи-га олиб киради, ўша кунлар манзараси бутун моҳияти билан кўз олдимизда намоён бўлади: “Кўзлари менга тушгани ҳамонок, ўзларидан ке-таёёзиб отдан тушдилар. Тизза уриб, узангимни ўпишди. Мен ҳам отдан тушиб, ҳар бири билан кучоқлашиб кўришдим. Мандилимни Тўғлуқ-жанинг бошига қўйдим. Жуда нозик ишланган, олтин билан зийнатланган камаримни эса амир Сайфуддиннинг белига боғладим. Чопонимни Тубак баҳодирга кийдирдим”. (Асарни бадиий салоҳиятига кўра, ўзбек насрининг дастлабки намуналаридан, дейиш мумкин).

Шуни очик эътироф этиш жоизки, “Тузуқлар” шунчаки саёхатнома эмас, унга оламшумул шуҳрат олиб келган фазилат бошқа ёқда. Агар унинг пайдо бўлиш даврини кўз олдимизга кел-тирсак, катта тарих сахнасида одамзод илк иб-тидоий тартибларни тақомилига етказиб, янги босқич (бадавийликдан маданиятликка ёки кўл меҳнатига асосланган ишлаб чиқаришдан ме-ханизмларга ўтишга тайёарланиш)га кўтарил-ган пайт эди. Энди ҳарбий соҳада ҳам, давлат бошқарувида ҳам тартиблар эскираётган эди, яъни тараққиёт қуроли оломонинг бетартиб сўқишиши ёки одамни тириклай терисини ши-либ кўрқитиш сингари усулларини рад этган эди. Энди инсониятга янги мафкура, янги тизим ке-рак эди. “Тузуқлар”ни ана шундай эҳтиёжга жа-вобан яратилган дастурлардан бири, деб баҳо-лаш мумкин.

Ҳақиқат қиёсларда бўй кўрсатади

“Тузуқлар” бобокалонимиз қолдирган мерос-нинг олтин тарозисида жуда катта салмоқни ташкил этади. Унинг қанчалик беназирлигини тўлиқроқ тасаввур этиш учун шу руҳдаги баъзи асарлар билан таққослаб, таҳлил қилайлик.

Маъзур асарнинг “Вазир тутиш тузуги” бўлими-да Соҳибқирон Маликшоҳ Салжүқий (ҳукмронлиги — 1072-1092 йиллар) саройида вазирлик қилган Ниҳомулмулкни ҳурмат билан тилга олади ва уни, “ёмон қилмишлари кам бўлиб, хайрли ишлари кўпроқ эди”, деб эътироф этади. Салжүқийлар сар-ройида 30 йил масъул вазифада ишлаган Абу Али Ҳасан Тусий — Ниҳомулмулк (1018-92) Шарқда энг адолатли сарой хизматчиларидан бири сифати-да тан олинган, унинг номи афсонау ривоятларга қўшилиб кетган. Ана шу мўътабар зот ҳаётий таж-рибаларидан келиб чиқиб “Сиёсатнома” (1091) китобини яратган. У эллик фаслдан иборат бўлиб, муаллиф бир фикрни маълум қилар экан, исботи учун ўз тажрибасида кўрганлари шарҳи ва шарқона ҳикоят ҳамда ривоятларга мурожаат этади. Асар-нинг “Давлат мушрифлари ва уларнинг маошлари ҳақида”ги фаслида ашрофларни таърифлаб, сўнг-ра “... улар ўз мартаба ва билимларига кўра, маош олишлари зарур”, деб таъкидланади.

“Тузуқлар”да бу ҳолнинг яна ҳам аниқ манза-расини кўрамыз, яъни Амир Темур салтанатида ҳар бир хизматчига жуда аниқлик билан улурфа



ЎЗБЕКИСТОН

кўлга киритилган форсча нусхадан қилинган таржималар билан таниш. Ҳозирча “Тузуқлар”-нинг жаҳон тилларидаги биринчи таржималари француз (1787), инглиз (1830), урду (1855), рус (1894) тилларида турли даражада амалга оши-рилган ва бу жараён давом этмокда.

Ўртимизда бобокалонимиз маънавий меро-сининг шоҳ намунаси “Тузуқлар”ни нашр этиш борасида ҳам кўплаб турли хилликлар учра-моқдаки, эндиликда бу тажрибаларни умум-лаштириб, ягона тўхтамга келадиган пайт етди. У бир неча марта ўзбек тилига ўгирилди. Бу юмуш дастлаб 1858 йилда Хивада ва шу йил-ларда Қўқонда ҳам амалга оширилган. Кейин-чалик Алихон тўра Соғуний таржимаси юзага келди ҳамда матн шарқшунос Ҳабибулло Каро-матов томонидан мукаммаллаштирилди ва ки-тоб ҳолига келтирилди, 1991 йилда нашр этил-ди. Бу саъй-ҳаракатлар давом эттирилиб, яна бир неча марта, жумладан, 1996 йилда (инглиз-ча ва французча матн билан) биргаликда (икка-ла нашрда ҳам сўзбоши ва изоҳлар муаллифи академик Бўрибой Аҳмедов) ҳамда 2011 йилда (масъул муҳаррир профессор Ашраф Аҳмедов) китобхонларга тақдим этилди. Ана шу нашрлар

“ТУЗУҚЛАР”ДА СОҲИБҚИРОН ТАРЖИМАИ ҲОЛИГА ДОИР КўПЛАБ ДАЛИЛЛАР КЕЛТИРИЛГАН ВА УЛАР МАНБАЛАР АСОСИДА Тўғри ИЗОҲЛАНГАН. ФАҚАТ ИККИ ўРИНГА ДИҚҚАТ ҚАРАТИШ ЛОЗИМ бўЛАДИ. АСАРДА “ОТЛАНИБ, АМИР КУЛОЛНИНГ ҲУЗУРЛАРИГА БОРДИМ”, ДЕЙИЛАДИ. БУ ЕРДА ТИЛГА ОЛИНГАН АМИР КУЛОЛ ТАРИХИЙ ШАХС бўЛИБ, У ЗОТНИ ШАМСИДДИН КУЛОЛ БИЛАН ЧАЛКАШТИРМАСЛИК ЛОЗИМ. САЙЙИД АМИР КУЛОЛ (1281–1370) БУХОРО ЯҚИНИДАГИ СУХОРИ ҚИШЛОҒИДА ЯШАГАН, ҚАБРИ ҲАМ ШУ ЕРДА. УЛ ЗОТ ТЕМУРИЙЛАР ХОНАДОНИНИНГ ПИРИ ШАМСИДДИН КУЛОЛГА, ШУНИНГДЕК, МАШҲУР ШАЙХ БАҲОУДДИН НАҚШБАНДГА ҲАМ УСТОЗЛИК ҚИЛГАН. ОЗОДЛИК ИЛИНҒИДА ЧАРХ УРИБ ЮРГАН ЁШ ТЕМУРБЕК ШУ ЗОТНИНГ ҲУЗУРИГА БОРАДИ. БУ ДАЛИЛ НАШРЛАРДА ТУРТИЧА, БАЪЗАН БУТУНЛАЙ ХАТО ШАРҲЛАНГАН.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbотот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январьда 1047–рақам билан ўйраттага олинган.
Нашир индекси — 236. **Буюртма** — 36399.
76042 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қўғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нархда.

"KOLORPAK" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-291-29

бир киши ёки гуруҳлар томонидан қўлланилу-чи тадбирлардан салмоқли, унинг биринчи қайд этилиши бутунлай ўринли. “Сипоҳий” ўрнига туркийча “аскар”нинг қўлланиши ҳам маъқул.

Форсчадан ўгирилганда маълум сўзининг қа-тор муқобиллари мавжуд бўлади ва уларнинг қайси бири тўғрилиги контекстда аниқланади. Баъзан “бошбилмоқ” кейинги сафар эса “ош балмоқ” сўзлари ишлатилган ва унга “атала” тарзида изоҳ берилган. Қайси бири тўғри — ба-рибир бир тўхтамга келиш керак.

Юртимиз жанубий туманларида унни ёғда қовуриб, сув аралаштириб тайёрланадиган “бул-моқ” деган таом бор. Балки бу ўшадир. Шунинг-дек, “давлатим қорхонасининг ўн икки ойи”, деб таржима қилинган ҳолатда “Ой” ўрнида “устун” сўзи ишлатилса, мантиқлироқ бўлармиди? Ёки, “Тажрибали бир киши минглаб одамага иш бую-ради”, дейилади. “Иш буюриш”да кишининг қо-билиятлари тўла намоён бўлмайди, ҳолбуки, бу иборани “сафарбар қилади”, “таъминлайди”, “бошқаради” тарзида ифодаланса, мақсадга му-вофиқ бўларди. Ёки “Қуръон устида қасам ичди”-дан “Қуръон тутиб қасам ичди”, дейиш тўғрироқ.

Ноёб мероснинг олтин тарозиси

“Тузуқлар”да Соҳибқирон таржимаи ҳоли-га доир кўплаб далиллар келтирилган ва улар манбалар асосида тўғри изоҳланган. Фақат икки ўринга диққат қаратиш лозим бўлади. Асарда “Отланиб, Амир Кулолнинг ҳузурларига бор-дим”, дейилади. Бу ерда тилга олинган Амир Кулол тарихий шахс бўлиб, у зотни Шамсиддин Кулол билан чалкаштирмаслик лозим. Саййид Амир Кулол (1281-1370) Бухоро яқинидаги Су-хори қишлоғида яшаган, қабри ҳам шу ерда. Ул зот Темурийлар хонадонининг пири Шамсиддин Кулолга, шунингдек, машҳур шайх Баҳоуддин Нақшбандга ҳам устозлик қилган. Озодлик илин-жида чарх уриб юрган ёш Темурбек шу зотнинг ҳузурига боради. Бу далил нашрларда турлича, баъзан бутунлай хато шарҳланган.

Қарши қалъасини эгаллаш асосида рақиблиқ — амир Ҳўсайн ва амир Мўсонни чағалтиб, Хўросонга эмас, Мовароуннахрда юрилади. “Тузуқлар”да “Ширкент аталмиш ерга етдим ва ўша ерда бир кеча-кундуз тўхтаб, яна йўлга тушиб, Қарши қалъасидан бир фарсанг (6-7 километр. — Ҳ.С.) масофага келиб тушдим”, дейилади. Ўзбекистон, кўплаб нашрларда ҳеч иккиланмай, “Ширкент Қарши туманининг ҳозирги маркази Бешкент”, тарзида шарҳланади. Ҳақиқатан, туман маркази Бешкент Қаршига яқин йирик аҳоли манзилгоҳларидан бири, у ғарб томонда жойлашган. Бироқ жанубий-ғарб томонда айнан Ширкент қишлоғи ҳам бор. У ҳозирги Қовчин қишлоқ фуқаролар йиғини таркибидда, 4-5 минг аҳолига эга, турмуш тарзи жиҳатидан Бешкентдан бутунлай фарқ қилади. Қолаверса, йирик тасаввуф шайхи Абул Муъин ан-Насафий (1027–1114) қабри шу жойга яқин. Бизнингча, бу икки масканни фарқламастик ҳам тўғри эмас.

Албатта, кейинги нашрларда олдинги хатолар бартараф этиб борилиши табиий. Шу жиҳатдан яна икки мисол келтирамиз. “Сипоҳийлардан чиққан баҳодирлар, довьорақларга махсус фахр-ли ўтога, камар ва тарқаш тақдим этиб, марта-баларини кўтардим”, деган гапдаги “тарқаш” ке-йинроқ “ўқдон” тарзида ўзгартрилган. “Ўтога”га “бош кийимга тақилдиган, уқпар ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган зийнатли белги, ман-саб ва мартаба рамзи”, деган тушунтириш бери-лади. Охириги нашрда эса “ўтога” сўзи “ўтог” деб ўзгартрилади, унга “яъни, ўтов, бу ерда махсус жиҳозланган ўтов назарда тутилди”, қабилида шарҳ берилади. Агар “ўтога” (яъни, какарда) би-лан “ўтов” (турар жой) ўртасидаги фарқни назарда тутсақ ва Соҳибқирон давлат тутумида ҳар доим қатъий меъёрга амал қилганини ҳисобга оласак, бу икки хил шарҳ алоҳида изоҳланиши лозим эди. Чунки ўтов тақдим этиш ҳам ўша давр ҳаётида уч-раган. Масалан, Амир Темур томонидан Елдириш Боязидга султонларга хос оқ ўтов тақдим этилган.

Хуллас, бу мероснинг беназирлиги шундаки, ундаги ҳар бир белги, ишора теран мазмунга эга ва муомала қилганда ана шу юксак макъе эъ-тиборда турмоғи шарт. Ўз сирларини очаётган улкан бойлик — халқимиз бой тарихини тадқиқ қилганда ватанпарварлик ва миллатсеварлик туйғуси билан теран илмийлик талаби ҳамоханг бўлиши лозимга ўхшайди.

Соҳибқирон Амир Темурнинг тарихдаги ўрни ҳар доим юксак бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Шу боис, “Тузуқлар”ни қайта-қайта ўқиш ва таҳлил қилиш, уни бошқа манбаларга қиёсан ўрганиш бу бебаҳо асарни, энг муҳими, халқи-миз, Ватанимиз тарихини янада тўлиқ англашга ёрдам бериши, шубҳасиз.